# БУГУН ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 23 (8763). ● 30 январь, 1986 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.


«Партия давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир».

**В. И. ЛЕНИН**

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон меҳнаткашлари республика партия ташкилоти раҳбарлигида съезддан съездгача ўтган вақт ичида катта бунёдкорлик ишларини бажардилар. Ўн биринчи беш йиллик давомида ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини оширишга, ишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга эришдилар. Фан ва маданият юксалди, республикамиз меҳнаткашларининг турмуш фаровонлиги ошди. Бошланган янги ўн иккинчи беш йилликда олдимизда янада улкан марралар турипти.

**26 процент** — ўн биринчи беш йилликда республикада ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ана шунча ўсди. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси) 124 процентни, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группаси) 133 процентни ташкил этди.

**24—27 процент** — СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида Ўзбекистон ССРда ўн иккинчи беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ана шунча кўпайтириш мўлжалланмоқда. Химия, электротехника, енгил саноат, приборсозлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш юқорироқ суръатлар билан ривожлантирилади.

**15 процент** — республикамизда ўн биринчи беш йилликда ҳосил қилинган миллий даромад 1980 йилдагига нисбатан ана шунча кўпайди. Ўтган йили 21,2 миллиард сўмлик (амалдаги нархларда) миллий даромад ҳосил қилинди.

**500 номда** — ўн биринчи беш йилликда республикамиз саноатида ўзлаштирилиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилган янги машиналар, ускуналар, приборлар ва аппаратлар сони ана шунчага етди.

**1 кунда** — Ўзбекистон ССР 1985 йилнинг 1,8 кунида бутун 1940 йил давомида тайёрлаган саноат маҳсулоти даражасида маҳсулот ишлаб чиқарди. Бир кун ичида ҳозирги вақтда республикамизда 237 та квартира фойдаланишга топширилмоқда, 1,7 минг киши уй-жой шароитини яхшиламоқда. Бир кун ичида 1851 фарзанд дунёга келмоқда, 537 нафар никоҳ қайд қилинмоқда.

**559, 9 миллион сўм** — республикамиз ихтирочилари таклиф этаётган ихтиролар жорий этилиши асосида олинган иқтисодий самара 1981—1984 йилларда ана шунча сўмни ташкил этди. Ўнинчи беш йилликда эса бу рақам 318,7 миллион сўмга тенг бўлган.

**38. 205 нафар** — ҳозир республикамизда жами илмий ходимлар сони ана шунча. 1980 йилда бизда 35.288 илмий ходим бўлган эди.

**6,5 миллиард** — биргина ўтган йилнинг ўзида республикамиз аҳолиси ижтимоий истеъмол фондларидан ана шунча сўм миқдорда тўлов ва имтиёзлар олди.

**14—16 процент** — ўн иккинчи беш йилликда республикамиз қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми ана шу миқдорда кўпайтирилади. Асосий йўналишларда беш йиллик охирига бориб пахта толаси етиштиришни 1,8—1,93 миллион тоннага, дон етиштиришни 3,2—3,5 миллион тоннага, ем-хашак етиштиришни 20 миллион тонна озуқа бирлигига, гўшт етиштиришни (сўйилган вазнда) 540—560 минг тоннага, сут етиштиришни 3,3—3,5 миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

**410 минг** — янги беш йиллик мобайнида ана шунча гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилади. 1,1 миллион гектар яйловга сув чиқарилади, салкам 4,8 миллион гектар яйловга сув чиқариш системаси реконструкция қилинади.



Суратда: Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съездига Тошкент областидан сайланган делегатлардан бир группаси.

А. Зуфаров фотоси.

## МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ

### ИККИ БРИГАДА ТАШАББУСИ

РЕСПУБЛИКА Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Промстрой» трести 90-қурилиш монтаж бошқармасининг Абдулла Каримов етакчилик қилаётган комплекс бригадаси илғор коллективлардан ҳисобланади. 23 кишилик коллектив бригада пудрати асосида иш юритмоқда. Бу эса бригадага ҳар ойда планни 20—25 процент ошириб бажариш имконини бермоқда. Ҳозир бунёдкорлар Беруний кўчасида 128 квартирали турар-жой биносини қурмоқдалар. Улар графикдан ўн кун илгарилаб ишлашаяпти.

«Главташкентстрой» 4-трест 18-қурилиш бошқармасининг Вилор Робертус бошлиқ бригадаси коллективи 1-Қорасув массивида 224 ўринли ётоқхона қурилишини бошлаб юборди. Пайвандчи Николай Балкунов, бетончи Борис Безвертов, ғишт терувчи Алексей Фёдоровлар меҳнатда ҳамкасбларига ўрнак бўлиб, нормани доим ошириб билан бажармоқдалар.

Ҳар икки бригада «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида меҳнат қилиб, 1986 йилнинг дастлабки квартали планини олий анжуман очиладиган кунгача бажаришга ҳаракат қилмоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

### 700 АДРЕСГА

БЕКОБОДДАГИ Ўзбекистон металлургия заводининг халқ истеъмоли товарлари цехида маҳсулот ишлаб чиқариш йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Цехда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, замонавий янги асбоб-ускуналарни жорий этиш, прогрессив технологияни қўллаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар шундай самара бермоқда.

Яқинда бу ерда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Циклон-5» роботлари ўрнатилди. Бу меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, таннархини арзонлаштириш имконини беради.

Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида шундай такомиллашган агрегатлардан яна 3 таси жорий қилинади.

Техникани тараққий эттириш юзасидан кўрилаётган бундай тадбирлар тайёрланаётган кенг истеъмол товарлари сифатини яхшилашга ҳам ёрдам бермоқда. Шунинг учун заводнинг сирланган идишлари мамлакатимиздан ташқари кўплаб хорижий мамлакатларга етказиб берилаяпти. Ҳозирги вақтда умуман корхона маҳсулотини олаётган мижозлар 700 тага яқинлашиб қолди. Улар орасида Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакия каби социалистик мамлакатлар бор.

### ЯНГИ ҚУВВАТЛАР ИШГА ТУШИРИЛДИ

ОЛМАЛИҚ, 28 январь. (ЎзТАГ мухбири С. Ким). Бугун давлат комиссияси Олмалиқ кон-металлургия комбинатида катта майдалаш-саралаш комплексини фойдаланиш учун қабул қилиб олди. Мамлакат рангли металлургиясининг энг катта корхоналаридан бири таркибида мис кам бўлган рудадан фойдаланиб, мис ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятига эга бўлди.

Қалмоққир конида қазиб олинган миллион-миллион тонна тоғ жинслари ноёб аппаратлар ва қурилмалардан ўтказилади. Улар рудани майдалаб саралайди ва бойитиб мис концентратига айлантиради. Янги комплекс фан-техника тараққиёти ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда қурилди. Бу эса хусусан, жаҳон практикасида биринчи марта илгари чиқитга чиқариладиган оксидланган рудаларни қайта ишлашни йўлга қўйиш имконини берди.

Майдалаш-саралаш комплексининг ишга туширилиши комбинатда кейинги йилларда авж олдириб юборилган реконструкциялаш муҳим босқичи тугалланганлигини билдиради.

## ПАРТИЯ СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ИЛЬИЧ ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГУЛЛАР ҚЎЙДИЛАР

Ўзбекистон Компартияси XXI съезди очилиши арафасида Тошкентдаги парадлар ҳиёбонида жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, Коммунистик партия билан Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан, Қорақалпоғистон ва республика областлари делегацияларидан гуллар қўйилди.

Гуллар қўйиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, О. У. Салимов, Қ. С. Саликов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, В. А. Ҳайдуров, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари В. А. Аболенцев, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудирининг ўринбосари И. Е. Пономарев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXI СЪЕЗДИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди бугун, 1986 йил 30 январь эрталаб соат 10.00 да Санъат саройида очилишини съезд делегатларига маълум қилади.**

# М. С. ГОРБАЧЕВ А. Натта билан учрашди

27 ва 28 январь кунлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Москвага келган Италия Компартиясининг Бош секретари А. Натта билан учрашди.

Ошкоралик ва самимийлик муҳитида ўтган суҳбатда ИКП Марказий Комитети раҳбарлиги ва секретариатининг аъзоси Д. Пайетта ва ИКП Марказий Комитетининг аъзоси А. Руббн қатнашдилар.

Суҳбат чоғида олий даражадаги Женева учрашуви муҳитининг ҳамда шу учрашув бутун дунёда юзага келтирган тинчлик ва қуролсизланишга бўлган умидларнинг ижобий таъсиридан баҳраманд бўлиб турган ҳозирги халқаро вазиятнинг энг муҳим масалалари хусусида батафсил фикрлашиб олинди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг 15 январдаги Баёнотида ўртага қўйилган тинчлик ташаббусларининг кенг комплекси қурол-яроғларни қисқартиришга, қуролсизланишга, барча халқларнинг тинч келажаги ва тараққиёти истиқболларини мустаҳкамлашга тааллуқли фаолиятнинг ҳамма энг муҳим йўналишлари ва соҳаларини қамраб олганлиги таъкидлаб ўтилди. Инсониятни ядро уруши хавфидан халос қилиш, халқаро муҳитни тубдан соғломлаштириш, халқларнинг ишончли хавфсизлигини таъминлаш—эришиш зарур бўлган мақсадлардир.

Шу муносабат билан иккала томон қуролланиш пойгасини орқага қайтариш, космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш, ядровий ва оддий қуролларни мувозанатли ва контрол қилинадиган тарзда қисқартириш йўлида аниқ-равшан натижаларга эришиш учун бутун куч-ғайратни сарфлаш зарурлигини таъкидлади. Иккала томоннинг мавжуд ядро қуролларини кўпайтирмаслиги ва ядровий синовларни тўхтатиши бу йўлдаги биринчи қадам сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлур эди.

Европадаги ҳарбий кучларнинг бир мунча пастроқ даражадаги, бир ёқлама устунликларга йўл қўймайдиган тарзда ва томонларнинг ўзаро хавфсизлиги гарантияланган шароитдаги мувозанатига эришишга интилиш зарур. Ҳам у томондан, ҳам бу томондан ядровий воситаларни бундан буён жойлаштирмаслик ва ўрнатиб қўйилган шундай воситаларни аста-секин олиб ташлаш, шунингдек Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатларида ядровий ва химиявий қуролдан ҳоли бўлган зоналарни вужудга келтириш бу соҳадаги бош мақсаддир.

КПСС билан ИКП Европадаги барча мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни актив ривожлантиришни, қитъада ҳозирги муҳолифлик даврини бартараф этишни ёқлаб чиқадилар. Худди шу маънода иккала партия Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан Европа Иқтисодий ҳамжамияти ўртасида турли соҳаларда амалий муносабатлар ўрнатилиши фойдали бўлади, бу ўзаро манфаатдорлик ишига хизмат қилади ва Европада ҳамкорлик сиёсатини ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилади, деб ҳисоблайди.

Италия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ҳамда сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликни янада кучайтириш ва ривожлантириш иккала мамлакатнинг манфаатларига ва иккала халқ ўртасидаги дўстлик манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидланди. КПСС билан ИКП иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг шу тарзда ривожланишига кўмаклашаверадилар.

М. С. Горбачев билан А. Натта дунёнинг турли районларидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиб, шу районлардаги мавжуд можароларнинг сиёсий воситалар билан ҳал этилиши халқаро кескинликни юмшатиш ҳамда халқаро муносабатлардаги кескинликни камайтириш, ишонч ва ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш учун аҳамиятга эга бўлишини таъкидладилар. Бу можароларни музокаралар йўли билан, ташқаридан ҳар қандай шаклдаги аралашув ва тазйиқни тўхтатиш, ҳар бир мамлакат ва ҳар бир халқнинг тўла суверенитетини гарантиялаш ҳамда ўз тақдирини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш йўли билан тинч ҳал этиш мумкин.

Чуқур ўзгартишлар, зўр фан-техника тараққиёти даврида кўпгина халқлар ҳамон қашшоқлик, очлик, қолоқлик шароитида яшамоқдалар. Мана шундай шароитда дунёда тенг ҳуқуқлилик ва адолат принципларига асосланган янги иқтисодий тартибни вужудга келтириш масаласи энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Қуролланиш учун фойдаланилаётган жуда катта ресурсларнинг лоақал бир қисмини бўлсада, шу мақсадларга сарфлаш ривожланаётган мамлакатлар экономикасини юксалтириш учун ҳамда ҳозир инсониятнинг кўп қисмини тўлқинлантириб турган проблемаларни ҳал қилиш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлур эди.

М. С. Горбачев ва А. Натта ўртоқлар ўз мамлакатларидаги аҳвол ҳақида ва иккала партиянинг сиёсати тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари КПСС XXVII съездига қандай тайёргарлик кўрилганлиги ҳақида ва съезд муҳокамасига қўйиладиган ҳужжатлар — КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари ҳақида гапириб, совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, совет халқининг фаровонлигини янада ошириш КПСС сиёсатининг ўзаги эканини таъкидлади.

ИКП Бош секретари итальян коммунистларининг демократия билан социализм ўртасидаги нисбат тўғрисидаги умумий стратегик концепцияларини таъкидлаб, партиянинг сиёсий позициялари ва программавий йўл-йўриқлари ҳақида гапирди. ИКПнинг XVII съездида чуқур таҳлил этиладиган бу позиция ва йўл-йўриқлар Италияда ва Ғарбий Европада тинчлик, янгиланиш ва ислоҳотлар сиёсатини ишчилар ва демократик ҳаракатнинг барча кучлари билан ҳамкорликда олға силжитишга кўмаклашишга қаратилган.

КПСС билан ИКПнинг раҳбарлари ҳар бир партиянинг мустақиллигини тўла ҳурмат қилиб, иккала партия ўртасидаги дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантиришга интилишларини изҳор қилдилар.

* * *

Шу куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Италия Компартияси Бош секретари А. Натта ва унга ҳамроҳ бўлиб келган ўртоқлар шарафига зиёфат берди. Зиёфатда М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Б. Н. Пономарев, бошқа ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат чоғида М. С. Горбачев билан А. Натта нутқ сўзладилар.

Зиёфат самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди.

(ТАСС).

*Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съездига*

# ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

**Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди арафасида хушхабар келди. 1985 йил давлат планини ҳамда ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига биноан шаҳримиз ғолиб деб топилди.**

Шаҳар саноатчилари меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотни реализация қилиш юзасидан беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажардилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 14 процентга ошди. Беш йиллик планига қўшимча 14 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам муваффақиятли адо этилди. Ўсишнинг 95 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорлари асосида халқ хўжалиги барча тармоқларини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, ҳамма жойда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун кадрлар масъулиятини ошириш юзасидан бошланғич партия ташкилотлари олиб бораётган катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлари мана шундай қувончли самаралар бермоқда. Айниқса, шаҳар партия комитетининг IV пленумидан сўнг иқтисодий ва социал ҳаётдаги салбий ҳолатларни тугатиш юзасидан кураш кескинлашди. Шаҳримиз коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш, сўз ва иш бирлигини таъминлаш, иш услуби ва методини такомиллаштириш юзасидан катта ишларни қилдилар.

Ҳозир бошланғич, цех партия ташкилотлари секретарлари, партия группаси ташкилотчиларнинг 36 проценти янгидан сайланган партия кадрларидир. Уларнинг кўпчилиги партия-хўжалик активи мактабларида, доимий семинарларда ўз билимларини оширган, партиявий топшириқларни бажаришда чиниққан, ҳар қандай синовлардан муваффақиятли ўтган кишилардир. Ҳозир кўпгина партия ташкилотлари ўз ишларини қайта қурмоқдалар, меҳнат коллективларида бўлаётган жараёнларни диққат билан ўрганмоқдалар, муаммоларни билимдонлик билан ҳал этмоқдалар.

Раҳбар кадрлар ишида ҳам туб ўзгаришлар содир бўляпти. Шаҳар партия комитети бюро мажлисларида, пленумларда уларнинг ҳисоботларини мунтазам тинглаб бормоқда. Топширилган иш учун кадрлар масъулиятини ошириш мақсадида танқид ва ўз-ўзини танқид усулидан кенг фойдаланмоқдамиз.

Кадрларни тўғри жойлаштиришда ва улардан оқилона фойдаланишда резерв кадрлар роли катта бўлаяпти. Шаҳар партия комитети секретарлари, бўлим мудирлари ва масъул ходимлари резервга олинган кадрлар билан мунтазам суҳбатлар ўтказиб бормоқдалар, уларнинг ишчанлик қобилиятлари ва сиёсий билимларини синовдан ўтказмоқдалар.

## ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА КАДРЛАР

Резерв кадрларнинг аксарияти шаҳар партия комитети пленумлари, бюро мажлислари кун тартибига қўйилаётган масалаларни тайёрлашга, меҳнаткашлардан тушган хат ва аризаларни текширишга жалб этилмоқда. Янгиликни ҳис эта оладиган, ташаббускор, серғайрат кадрларга юксак ишонч билдирмоқдамиз.

Кейинги йилларда бир қатор кадрлар раҳбарлик лавозимларига кўтарилдилар. Т. Г. Лозовая шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари, М. Л. Мамажонов шаҳар план комиссиясининг раиси бўлиб ишламоқдалар. Шаҳар партия комитети аппарати ҳам кейинги икки йил мобайнида ёш кучлар билан мустаҳкамланди. О. Д. Расческина шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирлигига, А. Абдужабборов, Т. Умаралиев, шаҳар партия комитети инструкторлигига тавсия этилди. Ишчан кадрлардан К. Исмоилов шаҳар автобус-таксомотор парки бош инженери этиб тайинланди. Уларнинг барчаси комсомол ишларида чиниққан ёшлардир. Умуман, шаҳар партия комитети номенклатурасига кирган ходимларнинг 50 процентидан кўпроғи 40 ёшгача бўлган кадрлардир.

Партия давлат интизомини мустаҳкамлашга, салбий ҳолатларни тугатишда шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси бизга катта ёрдам беряпти. Комиссия партия турмуши нормаларидан чекинган, КПСС Устави талабларини бузган коммунистларга нисбатан принципиал баҳо бермоқда. Ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилган, социалистик мулкни талон-тарож этган, спиртли ичимликларга ружу қўйган ва бошқа хил йўллар билан партия, давлат интизомини ҳамда социалистик қонунчиликни қўпол равишда бузган коммунистлардан 30 киши ўтган йили партия сафидан ўчирилди, 23 киши эса қаттиқ партиявий жазо олди.

Шаҳар партия комитети жамоат ташкилотлари иш услуби ва методини такомиллаштириш, бу участкаларда меҳнат қилаётган коммунистлар масъулиятини ошириш юзасидан ҳам зарур чораларни кўрмоқда. Комсомол ташкилотларига раҳбарлик қилаётган йигит-қизларнинг 67 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлардир. Уларнинг 23 нафари партия бюролари составига киритилгандир. Партиямиз қўяётган вазифаларни меҳнаткашлар қалбига ва онгига етказишда бу кадрлар катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган область партия конференциясида шаҳар партия ташкилоти эътибордан четда қолаётган кўпгина вазифалар тўғри кўрсатиб ўтилди. Ҳозирги кунда биз асосий эътиборни мана шу камчиликларни тугатишга қаратмоқдамиз. Ўзбекистон коммунистларининг бугунги съездида ҳам бажарилган ишлар танқидий кўз билан таҳлил қилинишини, олға ҳаракат қилишимизга, мавжуд камчиликларни тугатишга кўмаклашувчи конкрет таклифлар бўлишини истаймиз.

**А. РАЗЗОҚОВ,**
**Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.**



**● Фрунзе район коммунистлари сафи ҳисобот даврида сон жиҳатдан ўсди, сифат жиҳатдан янада яхшиланди. Меҳнатда илғор, жамоат ишларида актив ишчилар, хизматчилар, зиёлилар партия сафларига қабул қилиндилар.**

**Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди арафасида 8-темир бетон буюмлари заводи слесари Ҳамза Зокиров ҳаётида ҳам қувончли воқеа рўй берди. У партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди.**

**Суратда: район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Хўжаева илғор ишчи Ҳамза Зокировга кандидатлик карточкасини топширмоқда.**

А. Зуфаров фотоси.

## СЪЕЗДДАН — СЪЕЗДГАЧА

◆ Республикамизда 13 та область, 29 та шаҳар, 152 та район, 13 та шаҳар райони партия комитетлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Компартиясининг XX съездидан кейинги даврда республикада 1 та область, 3 та шаҳар ва 4 та район партия комитети тузилди.

◆ Ҳозир республикамиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, хўжалик ва муассасаларда 20874 та бошланғич, 23583 та цех партия ташкилотлари, 19431 та партия группаси ишлаб турибди.

◆ Ўзбекистон Компартиясининг XX съездидан кейинги даврда бошланғич партия ташкилотлари сони 2335 тага, цех партия ташкилотлари 1253 тага, партия группалари эса 3308 тага кўпайди. Ҳозир халқ хўжалигининг барча тармоқлари партиявий назоратдадир.

◆ Республикамиз коммунистлари сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир партия сафларига 619231 коммунист ва 22759 партия аъзолигига кандидат бирлашган. Ўзбекистон Компартиясининг XX съездидан кейинги даврда коммунистлар сони 73782 кишига кўпайди.

◆ Коммунистлар орасида 177827 хотин-қиз бор. Бу Ўзбекистон Компартияси XX съезди давридагидан 35125 нафар кўпдир.

◆ Коммунистлар ва партия аъзолигига кандидатларни ўқитиш, сиёсий билими ва малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг 14347 нафари олий, 6077 нафари эса ўрта маълумотлидир.

● 1981—1985 йилларда комсомолдан 82785 йигит-қиз партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Бу партияга қабул қилинганларнинг 72,1 проценти демакдир.

● Ўзбекистон Коммунистик партияси ўз сафларига 89 миллат ва элат вакилларини бирлаштирган.

● Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди олдидан бўлиб ўтган ҳисобот сайлов йиғилишларида 7583 хотин-қиз бошланғич партия ташкилоти секретарлигига сайланди.

● 1986 йил 1 январгача бўлган маълумотларга кўра коммунистларнинг 7766 нафари фан кандидати ва фан докторидир.

● Оддий ишчи ва колхозчилардан 225 коммунист шаҳар ва район партия комитети бюро аъзолигига, 26 коммунист область партия комитети бюро аъзолигига сайланган.

● Республика партия ташкилотида ишчилар ва деҳқонлар 64,1 процентни ташкил этади.

● Ҳисобот даврида ҳар йили ўрта ҳисобда 22963 киши партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди.

# ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

**ПАРТИЯМИЗНИНГ съездолди ҳужжатларида қишлоқ қурилиши кўламини кенгайтириш, аввало, унинг индустрия даражасини ошириш юзасидан катта вазифалар қўйилган. Уларни бажаришга бизнинг трестимиз бинокорлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Чунки биз қишлоқларда бунёдкорлик ишлари олиб бориш билан шуғулланамиз. Ҳар йили кўплаб уй-жойлар, маданий-маиший объектлар, хўжалик биноларини фойдаланишга топширамиз. Областимизнинг ҳар бир қишлоғида бинокорларимизнинг қадоқ қўллари билан барпо этилган бинолар бор. Биз шундай хайрли ишни бажараётганимиз билан фахрланамиз.**

Коллективимиз ўн биринчи беш йилликда қишлоқлар жамолини очиш, деҳқонларнинг маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш ишига муносиб улуш қўшди. Шу даврда 189 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик. Биргина ўтган йилнинг ўзида 46 миллион сўмлик объектларни қўлдан чиқардик.

Лекин биз ишимиздан тўла қаноат ҳосил қилмаяпмиз. Чунки у ҳозирги талабларга тўла жавоб берадиган даражада эмас. Айниқса, ўн иккинчи беш йилликда қўйилган вазифалар бунёдкорликда кескин бурилиш ясашни тақозо этади. Бунинг учун эса янги-янги резервлар ва имкониятларни ишга солиш, мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш лозим. Бундай муаммолар эса анчагина бор.

Масалан, қишлоқ қурилишининг моддий-техника базасини олиб кўрайлик. Очиғини айтганда, у ҳамон кўнгилдагидек эмас. Бизнинг шундай катта трестимизда битта ҳам асфальт-бетон заводи йўқ. Ҳар бир механизациялашган кўчма колоннада бетон қориштирувчи узеллар ташкил этилган. Уларда тайёрланган бетон қоришмаси ўнларча километр узоқдаги қурилишларга ташилади. Бу катта қийинчилик туғдирмоқда. Бетон сифати бузилаяпти. Транспортдан унумли фойдаланишга халақит бермоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун кўчма бетон қориштиргичлардан кенгроқ фойдаланиш керак. Бу билан бевосита бетонни қурилиш объектининг ўзида қориш мумкин бўлади, шундай қилинса бетон қориштиришда қўл меҳнати сарфи кескин камаяди, катта иқтисодий самара олинади.

## ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ

Иккинчи бир муаммо — кичик механизация воситалари билан боғлиқдир. Бундай иш қуролларининг камлиги қурилишда қўл меҳнати сарфини кўпайтиришга сабаб бўлмоқда. Масалан, бизнинг қурилишларда тешик очгичлар, насослар, электрик арралар ва бошқа шу каби кичик механизация воситалари етишмайди. Борлари эса яроқсиз ҳолга келиб қолган. Агар, бундай воситалар билан таъмин этиш яхши йўлга қўйилганда иш унумдорлиги ва сифати ҳам ошган бўларди.

Қишлоқларда қад кўтарадиган объектларнинг лойиҳасида ҳам жуда кўп чалкашликлар ва нуқсонлар бор. Уларнинг айримлари имкониятларни назарга олиб тузилмайди. Натижада, лойиҳа қайта-қайта ишланади, ҳатто қурилиш давомида ҳам ўзгартишлар киритилади. Бу қишлоқ бинокорларининг бир маромда ишлашига тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун лойиҳалаш ташкилотлари бинолар лойиҳасини тузишда фан-техника ютуқларини, қишлоқ меҳнаткашларининг тобора ўсиб бораётган дид ва талабларини тўла ҳисобга олишлари керак.

Қишлоқ қурилишларини зарур материаллар билан, шунингдек, бинокорлик машина-механизмлари учун эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдаги камчиликларнинг ҳамон давом этаётганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Бунинг оқибатида иш вақтининг анчагина қисми бекор ўтмоқда. Объектларнинг қурилиш муддатлари чўзилмоқда, уларнинг таннархи ошиб кетаяпти. Ҳал қилиниши лозим бўлган қатор бошқа муаммолар ҳам бор.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида қишлоқ қурилишидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўл-йўриқлари кўрсатилади. Бу эса, шубҳасиз, ишимизда ижобий силжишларга олиб келади.

**Т. ҲАСАНОВ,**
**«Облколхозстрой» трестининг экскаватор машинисти, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари нишондори.**

*СЎЗ—ДЕЛЕГАТЛАРГА*

## ПАХТАКОРЛАР ОЛДИДА ҚАРЗДОРМИЗ



Ғ. ХОЛМАТОВ,

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг темирчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

**КОЛЛЕКТИВИМИЗ ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалик машиналаридан мамлакатимизни барча пахтакор республикаларида кенг фойдаланилмоқда. Бу билан биз бениҳоя фахрланамиз.**

**Биз машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори унинг янгиларини тайёрлашни ўзлаштиришга ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Корхонамизда СХУ-4 маркали сеялканинг ишлаб чиқарилиши катта воқеа бўлди. Ундан фойдаланиш хўжаликда кўплаб маблағни тежаб қолиш имконини беради. Умуман ўн биринчи беш йилликда ёмон ишламадик. Зиммамиздаги вазифалар муваффақиятли бажарилди. Қўшимча кўплаб маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажми ортди, маҳсулот сифати анча яхшиланди, таннарх арзонлашди. Қўшимча 1 миллион сўмлик фойда олинди.**

**Лекин биз эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаймиз. Чунки машиналаримизга, уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига нисбатан талаб тўхтовсиз ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан биз, машинасозлар пахтакорлар олдида қарздормиз. Уларга янада такомиллашган турли-туман техника воситалари етказиб беришимиз керак. Биз бу йўлдаги изланишни тўхтовсиз давом эттирамиз. Ўйлаймизки, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида ҳам пахтачиликда фойдаланилаётган машина-механизмлар турини кўпайтириш, унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида батафсил фикр юритилади. Бу бизнинг истиқболдаги ишларимиз режаларини аниқ белгилашга ёрдам беради.**

## НАҚДИ ҲИСОБ



Л. КИМ,

Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхознинг чорвачилик фермаси лаборанти.

**КЕЙИНГИ йилларда хўжалигимизда чорвачилик жуда оқсаб қолган эди. Нега деганда бизда ем-хашак етиштириш ва тайёрлаш, жамғариш ишлари билан астойдил шуғулланилмай қўйилди. Тўғри, қоғозда бу соҳадаги план-топшириқлар ошириб бажарилар эди. Юқори ташкилотларга бунча тонна озуқа жамғардик, қишловни бемалол ўтказиш учун етади, деб маълумотлар берилларди. Бу — кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас эди. Ҳозирги кунда бунинг қандай оқибатга олиб келганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Сигирларнинг маҳсулдорлиги кескин камайиб кетди. Гўшт, сут топшириш планлари ўлда-жўлда бўлиб қолди. Устига устак мутахассисларимиз яхши ишламадилар. Соғин сигирларнинг кўпчилиги касалликка чалиниб қолди.**

**Биз йил бошида фермадаги ишларни атрофлича таҳлил этдик. Хўжалигимиз раҳбарлари, мутахассислари билан биргаликда энг биринчи навбатда чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Илгарилари озуқа етиштириш иши билан пахтачилик бригадалари шуғулланишар эди. Улар асосий экин пахта билан бўлиб, озуқа экинлари парваришига етарли эътибор беришмас эди. Бу йилдан бошлаб озуқа етиштиришни ихтисослаштиришга қарор қилинди. Махсус бригада тузилди. Бу бригадага экин майдони ажратилди, етарлича ишчи кучи ва техника воситалари берилди.**

**Чорвадорларимиз бу йилги қишловни муваффақиятли ўтказиш учун ўтган йилги сабоқлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.**

## КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ КЎПАЙСИН

# МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ХАРИДОР БАҲОЛАЙДИ

**«ҚИЗИЛ ТОНГ» ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамизнинг устки кийимлар тикишга ихтисослашган ягона корхонасидир. Бу ерда ҳар йили 10 минглаб эркаклар, аёллар ва болалар пальтолари тайёрланади. Коллектив маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш қатори сифатини яхшилаш йўлида ҳам тинмай изланиш олиб бормоқда. Унинг самараси эса яхши бўлмоқда. Бирлашма бош инженери Расул Ғаниевич СОДИҚОВ шу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:**

— БАРЧА республикамиз меҳнаткашлари қатори бирлашмамиз коллективи ҳам Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олди. Ўн биринчи беш йиллик топшириғи барча асосий кўрсаткичлар бўйича тўла ва зиёдаси билан бажарилди. Маҳсулот реализацияси плани муддатидан уч ҳафта илгари адо этилди. Меҳнат унумдорлигининг ортиши 17,9 процентни ташкил этди. Иқтисодий режимга қатъий амал қилиш туфайли кўплаб давлат маблағи тежаб қолинди.

Коллективимиз планларни ишлаб чиқишда харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини эътиборга олмоқда. Уларга қандай фасондаги кийимлар манзур бўлишини синчковлик билан ўрганаяпти. Бунинг учун аввал у ёки бу кийимнинг бир туркум нусхаси тайёрланади. Агар улар харидоргир бўлса кўплаб ишлаб чиқаришга киришилади. Аксинча бўлса тайёрлаш давом эттирилмайди.

Айни вақтда маҳсулот сифатининг кўнгилдагидек бўлишига қаратилган кўплаб ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилаяпти. Технология жараёнлари такомиллаштирилмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар жорий этилаяпти. Юксак сифат категорияси потоклари ташкил этилмоқда. Ҳозир бизда 3 та шундай поток ишлаб турибди. Уларда аёлларнинг Давлат сифат белгисига сазовор бўлган пальтолари тикилмоқда.

Ҳозирги вақтда барча маҳсулотнинг ярмига яқини «Янгилик» индекси билан тайёрланмоқда. Савдо ташкилотлари, кийим-кечаклар конструкторлари, модельерлари ва Модалар уйлари билан ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ишимизнинг сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Лекин маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам берадиган барча резервлар ва имкониятлардан ҳали ҳам тўла фойдалана олмаётганлигимизни очиқ тан олиш керак. Бу айрим ҳолларда маҳсулотнинг кўнгилдагидек бўлмаслигига олиб келмоқда. Натижада савдо ташкилотларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ўтган йили ишчиларимиз қўлидан чиққан минглаб пальтоларнинг чоклари, ёқалари, тикилиши стандарт даражасида бўлмади. Бу маҳсулот сифатини янада яхшилаш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз лозимлигини кўрсатиб турибди. Коллективимиз бу муҳим кўрсаткич бўйича ишимиздаги нуқсонларни бартараф этишни давом эттиради. Чунки, сифат, сифат ва яна сифат ҳар бир меҳнат коллективининг иш мезони бўлиб қолиши керак. Бунга эришиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз, шарафли ишимиздир.

# ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИ ЕТАРЛИМИ?

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИ БИТИРИБ ЧИҚАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ МАЛАКАСИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Халқ хўжалиги тараққиётини янги босқичга кўтаришни малакали кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Институтимиз коллективи ана шу масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш, педагогларнинг ижодий активлигини ошириш орқали етук мутахассислар тайёрлаш ишларини яхшилашга эътиборни кучайтирмоқда. Яратилган моддий-техника базаси ва илмий кучлардан тобора унумлироқ фойдаланиляпти. Педагоглар коллективи фанни пухта ўзлаштираётган, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда изланаётган малакали мутахассислар, ёш олимлар ҳисобига мустаҳкамланди. Ҳозир 89 та кафедрада 1270 ўқитувчи ва илмий ходим, шу жумладан 21 профессор ва фан доктори, 400 дан ортиқ доцент ва фан кандидати иш олиб бормоқда. Институтнинг 17 факультетида ўн олти ихтисослик бўйича билим олаётган талабалар орасида Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги бир неча мамлакатлардан келган студентлар ҳам бор.

Партиямизнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида олий таълим «...халқ хўжалигининг юксак профессионал тайёргарликни, ғоявий-сиёсий етукликни, ташкилотчилик ва бошқариш фаолияти кўникмаларини ўзида уйғунлаштирган мутахассисларга бўлган талабини қондириши лозим» дейилади.

Кўриниб турибдики, давр педагоглар олдига янги ва жуда зарур вазифаларни қўймоқда. Шу муносабат билан институт партия ташкилотининг ва умуман коллективнинг кадрлар тайёрлаш ва идеология соҳасидаги иш кўлами янада кенгайди. Шунинг учун ҳам комсомол-ёшларнинг турмуши, назарий ва амалий билимларни ўзлаштириши, жамоат ишларидаги активлиги, илмий-тадқиқотларни жорий этиш бўйича тузилган хўжалик шартномаларидаги иштироки масалалари институт партия бюроси, факультетлар, бошланғич партия ташкилотларининг диққат марказида турибди. Бу жиҳатдан қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, машина-трактор паркларидан фойдаланиш, гидротехника иншоотлари каби қатор кафедраларнинг кадрлар тайёрлаш ва уларни тарбиялаш борасидаги иш услубини алоҳида қайд этиш мумкин.

Институт олимлари пахта йиғим-терими технологиясини интенсивлаштириш, суғориш системалари учун гидротехник иншоотларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилмоқдалар.

Лекин биз ишимизга КПСС Марказий Комитети Пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари жиҳатидан ёндошадиган бўлсак, кўп жараёнлардаги жузъий-камчилик нуқсонлар, муаммолар яққол кўзга ташланади.

Республикамизда пахтакорлар меҳнатини кескин енгиллаштирадиган терим машинасининг ҳамон йўқлиги, мавжудларининг такомиллашмаётгани бизнинг ҳам айбимиздир. Айрим кафедраларда эришилган кўрсаткичлар билан чекланиб қолиш, баъзан ютуқларга маҳлиё бўлиб кетиш ҳоллари учраб турибди. Тўғри, сўнгги йилларда хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот ишлари билан изчил шуғулланиш, изланишлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга эътибор кучайди. Ўтган йили бу ишлар ҳажми 1,4 миллион сўмни, ундан олинаётган самара эса 33 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди. Лекин бу — ҳамма ишлар жойида, деган гап эмас. Ана шу кўрсаткичлар бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Баъзи кафедралар ва тармоқ лабораторияларининг илмий ходимлари, ижодий изланиш ишларини жадаллаштиришга етарли эътибор бермаётирлар. Айрим лабораторияларда майда темачилик, параллелизм ҳамон ҳукм сурмоқда.

Олимларимиз фаолиятидаги яна бир жиддий камчилик — чўл зоналаридаги сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, гектар бошига сарфланадиган сув миқдори самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишдаги сусткашликдир. Оқава сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалани тезроқ ҳал этишга ёрдам берадиган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш билан ёмон шуғулланяпмиз.

Студентлар ишлаб чиқариш практикасини ташкил этишда ҳам жиддий нуқсонлар бор. Ишлаб чиқариш практикасини беҳуда, самарасиз ўтишига бефарқликни эса ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Студентларни турли мавсумий ишларга кўп жалб қилиш туфайли практика программаси тўлиқ бажарилмаяпти. Педагоглар, ҳам ишлаб чиқариш раҳбарлари ҳам бу ишга ўта масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Натижада охирги курс студентларининг инженерликка мослашиш (адаптация) муҳлатлари чўзилиб кетмоқда. Кўпгина, ҳолларда ёш мутахассислар етарли малакага эга бўлмай, «пишиб етилмай» йўлланма олиб кетишмоқда.

Бу ва бошқа нуқсонлар бор экан, биз ўзимизни хотиржам қилишга ҳаққимиз йўқ. Яқинда бўлиб ўтган область XXII партия конференцияси ҳам олий ўқув юртларида малакали мутахассислар тайёрлашдаги жиддий камчилик-нуқсонларни очиб ташлади. Принципиал танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу бизга ҳам бевосита тегишлидир.

**С. ИСКАНДАРОВ,**
**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректори, профессор.**

*СЪЕЗДДАН — СЪЕЗДГАЧА*




*Делегат минбари*

# Замонавийлик ва санъаткор масъулияти



Бугунги томошабин киносанъаткорлардан кўпроқ замонавий мавзудаги фильмларни яратишни талаб этмоқда. Бир қарашда студияларимизда шундай асарлар яратиляпти ҳам. Мазкур картиналарнинг «долзарб муаммолар» ҳақида баҳслашувчи қаҳрамонлари давримиз руҳига мос кийинишиб, қандайдир янгиликларни ҳаётга татбиқ этишга уринишади. Аммо томошабин ундаги воқеаларга ишончсизлик билан қарайди. Чунки замонавий мавзуда ишлангандек бўлиб туюлувчи бу киноленталар аслида ҳаётдан орқада қолган, унда кўтарилаётган муаммолар эса аллақачон ҳал қилинган, мавзу кўлами тор ва саёз.

Бунинг устига ушбу картиналарда инсон омили иккинчи планга ўтиб қолади. Шу куннинг ҳашаматли қурилишлари-ю, буюк ўзгаришларига чунонам урғу берилиб, унинг бош бунёдкори — инсон ҳақида унутиб қўйилади. Натижада, киноасар томошабинга маъқул бўлмайди. Демакки, у замонавий эмас.

Замонавийлик — бу ижодкорнинг муҳим ижтимоий жараёнларни, муаммоларни ўз вақтида пайқай билиши, жўшқин давр руҳи билан доимо ҳамнафас бўлиши, инсоний муносабатлар камолотига собитқадам юриши ҳамда кўрган, эшитган, билган нарсаларини қалби орқали халққа етказа билишидир. Замонавий фильм деганда бир одам тақдири, унинг дарду-алами, ташвиши-ю қувончи, орзу-умидлари орқали умумхалқ ҳаёти акс эттириб бериладиган киноасарларни, киносанъатимизнинг кенг мухлислари томонидан илиқ кутиб олинган, қайси давр ҳақида ҳикоя қилишидан қатъий назар, доимо бирдек қизиқиш билан томоша қилинадиган киноленталарни тушунаман.

Менимча, режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг «Оловли йўллар» телевизион эпопеяси ана шундай фильмлар сирасига киради. Бу картинада зулму истибдодсиз, озод жамият сари интилган, Улуғ Инқилоб ғояларига содиқ бўлган, Октябрь туфайли қўлга киритилган эрк ва адолат учун жонини фидо қилган ўзбек зиёлиси, маърифатпарвар шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий образини яратиш менга топширилганлигини чуқур қадрлайман.

Фильмнинг юксак пафоси, ундаги буюк шахснинг ҳаётий намунаси, маънавий баркамоллиги, замондошларимиз қалбида чуқур из қолдириши, уларни эзгу мақсадлар сари чорлаши туфайли ҳам киноасар ўта замонавийдир. Мана шундай сценарийлар, фильмлар кўпроқ бўлса, актёрларимиз ҳам салмоқлироқ роллар ижро этган бўлардилар.

«Оловли йўллар» телеэпопеясини яратиш давомида ҳаётимда унутилмас воқеа юз берди. Ҳамзани партияга қабул қилиш саҳнаси суратга олинаётган пайтда ўзим ҳам Коммунистик партия сафига қабул қилиндим... Энди эса мени Ўзбекистон Компартияси XXI съездига делегат қилиб сайлашди.

Мендек оддий санъаткорга бундай катта ишонч билдирилганлиги мамлакатимизда санъатнинг ғоят қадрланишидан, жонажон партиямиз унга алоҳида эътибор билан қараётганидан далолат беради.

Хўш, биз санъаткорлар мана шу ишончга яраша долзарб асарлар, тўлақонли образлар ярата олаяпмизми? Агар бу масалага «Ўзбекфильм» микёсида олиб қарайдиган бўлсак, яратилаётган қатор картиналаримиз мавзу жиҳатдан бўш, ғоявий саёз асарлар бўлиб қолаяпти. Нима, бизда яхши асарлар яратишга имкон йўқми? Техник жиҳозларимиз бошқа киностудияларникидан фарқ қиладими? Ёки режиссёр ва актёрларимизнинг маҳорати етишмайдими? Менимча, имкон ҳам бор, техникамиз ҳам талаб даражасида, моҳир режиссёр ва актёрларимиз ҳам етарли. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига жавобан Элёр Эшмуҳамедов ишлаган «Алвидо, ғўр ёшлигим» картинаси ёки Мэлис Абзаловнинг «Келинлар қўзғолони» кинокомедияси бунга мисол бўла олади.

Республикамиз экранларига чиқарилаётган қатор фильмларимизнинг бадиий жиҳатдан қашшоқ бўлиб қолаётгани эса, биз санъаткорларнинг палапартиш ишлаётганимиз, ўз ишимизга масъулиятсизлик билан қараётганимиз оқибатидир. Ўзим киноактёр бўлганим учун ҳам санъатнинг шу тури ҳақида кўпроқ тўхталмоқдаман. Аммо бу маданиятимизнинг бошқа жабҳаларида аҳвол жуда яхши деган гап эмас.

Бугун ўз ишини бошлаётган Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди республика маданиятининг бундан кейинги равнақи, жумладан, кино санъатини ривожлантиришнинг янги вазифаларини белгилаб беради. Ана шу вазифаларни бажаришга мен ҳам сафарбарман.

Партиямиз совет санъати усталарини эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмай, ғояларимизни тарғиб этишда, ривожимизга тўсқинлик қилаётган барча иллатларга қарши курашда янада қатъийроқ ва муросасиз бўлишга даъват этаётир. Хусусан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва ундан кейинги пленумлари руҳида томошабинларни покликка, ҳалолликка, олижанобликка даъват этувчи асарлар, образлар яратишимиз керак. Қайси давр, қайси мавзуни ёритишдан қатъий назар, уларнинг бош мақсади — эзгуликни улуғлаш, нопокликдан нафратланиш бўлмоғи лозим.

Менимча, мана шундай вазифаларни ўз олдига қўйган ижодкоргина замонавий бўла олади ва ўз замондошларини тараққиётнинг янги уфқлари сари, янги ғалабалар томон чорлай олади.

**Ўлмас АЛИХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР халқ артисти.**

# РЕСПУБЛИКА ОДИМЛАРИ

РЕСПУБЛИКА Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини «Жажжи Ўзбекистон» деб аталиши бежиз эмас. Кўргазманинг 72 гектардан иборат майдони, дам олиш зонаси ҳамда «Марказий», «Пахтачилик», «Ирригация ва сув хўжалиги», «Озиқ-овқат комплекси», «Капитал қурилиш» сингари тематик павильонларида республикамиз экономикаси ва маданиятининг 120 дан ортиқ тармоқлари, ўлкамиз табиий бойликлари намуналари қўйилган. Кўргазмани ҳар йили ярим миллиондан ортиқ меҳнаткашлар, кўплаб чет эллик меҳмонлар зиёрат қиладилар.

Айни кунларда кўргазма коллективи яна бир салмоқли ва хайрли ишни амалга оширди. Кўргазманинг барча павильонларида КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XXI съездига бағишлаб «Ўзбекистон съезддан-съездгача» тематикаси остида ягона экспозиция яратилди. Мазкур экспозицияда КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартиришлар билан КПСС Устави, СССРни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари асосида келиб чиқадиган янги талаблар, уларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ҳақидаги конкрет масалалар акс этади. Барча павильонлардаги бўлимлар ўн биринчи беш йиллик план ва топшириқларининг бажарилишини кўрсатувчи фактлар асосида тўла янгиланди, энг сўнгги фан ва техника ютуқлари билан бойитилди.

Ўзбекистон ССР ташкил этилганига 60 йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида республика халқ хўжалигини ривожлантиришга 112 миллиард сўм маблағ сарфланди. Натижада саноат ишлаб чиқариши 1924 йилга нисбатан 240 баравар ортди. Ҳозирги вақтда республика саноат корхоналари бир ярим кун мобайнида 1924 йилда барча корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти ҳажмига тенг маҳсулот бермоқда.

Съездлар ўртасидаги даврда республика саноат корхоналари сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми анча ортди. Кўргазма бўлимларида Олмалиқ кон металлургия комбинати, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Мурунтов ва Чодак конларида беш йиллик мобайнида амалга оширилган ишлар кенг ёритилади. Химия саноати ҳам республикамизда тараққий этиб бормоқда. Съезддан съездгача ўтган беш йилликнинг ҳар бир йилида 10143 та пахта териш машинаси, 1445 та экскаватор, 1430 та кўтарма крани, 9439 кучланишли трансформаторлар, 11 минг дона компрессорлар ишлаб чиқарилди.

Республика капитал қурилиши алоҳида павильонда жойлашган бўлиб, унда турли саноат, маданий-маиший, турар-жой бинолари қурилиши ҳақида бой маълумотлар бор.

«Пахтачилик» павильонидаги экспозиция ҳам томошабинлар диққатига сазовор бўлмоқда. Айниқса, республика пахтачилик илмий текшириш институтларининг фаолияти, икки съезд оралиғида яратилган янги ва серҳосил навлар ҳақида ҳикоя қилувчи тематик кўргазма хилма-хил экспонатларга бой.

Республика ирригация ва мелиорация илмининг ўн биринчи беш йилликдаги ютуқлари «Ирригация ва сув хўжалиги» павильонида акс этмоқда. Ҳозирги кунга келиб республикадаги ўзлаштирилган ер майдони 3,8 миллион гектардан ошиб кетди. Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 проценти етиштирилмоқда. Икки съезд оралиғида ўтган вақт ичида Қарши, Жиззах, Сурхон—Шеробод, Марказий Фарғона ва Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган юз минг гектарлаб янги ерлар ўзлаштирилиб қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. 2000 йилга бориб Ўзбекистондаги ўзлаштирилган ерлар майдонини 5—5,5 миллион гектарга етказиш мўлжалланган.

Кўргазма павильонларида Ўзбекистон фан ва маданияти, социал таъминоти, халқ маорифи, санъатининг ривожланишини кўрсатувчи янги экспозициялар ҳам намойиш этиляпти.

Кўргазма коллективи Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди бўлиб ўтадиган кунлари амалга ошириладиган ишлар, съезд делегатларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тадбирлар планини тузиб чиқди. КПСС XXVII ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездлари ишлаётган кунларда томошабинлар съезд материаллари ҳақидаги ахборотлар билан доим таништириб борилади.

**М. ОТАБЕКОВА,**
**кўргазма ахборот маркази бошлиғи.**

● **Суратда: Республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси павильонларида.**

**А. Зуфаров** фотоси.

# ДЎСТЛИК БИЛАН ҚУДРАТЛИМИЗ

«Ленинча халқлар дўстлиги ила қудратлимиз!» КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига бағишлаб, республика журналистлар Союзи ва унинг Тошкент ташкилоти томонидан ташкил қилинган фотокўргазма шундай номланади.

Республикамиз халқ хўжалигининг кундалик маромини, меҳнаткашларимиз турмуши, маданий ҳаётимизни ўзида акс эттирган бу янги кўргазмада 50 та фотоижодкорнинг 132 та сурати намойиш қилинмоқда. Экспозициядаги расмлар орасида А. Губенко («Ёз кунларининг бирида» серияси), А. Горокрик («Уйғонган саҳро», «Ўзбекистон керамикаси»), Л. Петренко («Урушга қаршимиз»), С. Маҳкамов («Рақс оламида») каби тажрибали фотоижодкорлар билан бир қаторда В. Майоров («Янги Тошкент»), В. Молгачев («Тўқимачилар» серияси), В. Дубровский («СССР халқ артисти Ш. Аббосов», «СССР Давлат мукофоти лауреати Б. Жалолов») сингари ёш фотожурналистларнинг ҳам асарлари бор.

Шунингдек, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишловчи кўпгина фотоҳаваскорларнинг ишлари ҳам кўргазмада ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган.

Тошкентдаги «Илҳом» клубида ташкил этилган бу кўргазма катта қизиқиш уйғотмоқда.

**У. АБДУШОҲИДОВ.**

**Суратда: кўргазма залида.**

**А. Абалян** фотоси.



# АДАБИЁТ ВА МЕҲНАТ ИТТИФОҚИ

**Республикада КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига бағишланган «Адабиёт ва меҳнат иттифоқи» ҳафталиги ўтказилди. Шаҳар ва қишлоқларда китобхонлар конференциялари, шеърият кечалари бўлиб ўтди. Шоирлар ва ёзувчилар меҳнаткашлар ҳузурида ижодий ҳисобот бердилар. Улар партия, халқ, планетада тинчлик ва дўстлик тўғрисидаги янги асарларини ўқиб бердилар.**

**(ЎзТАГ).**

# ТИНЧЛИК МАДҲИ

Бекобод районидаги «Победа» колхози маданият саройида ўтказилган китобхонлар конференцияси тинчлик мавзуига бағишланди. Колхоз партия комитети секретари Х. Турдибоев партиямизнинг тинчликсевар сиёсати ҳақида гапириб бергач, минбарга китобхонлар кўтарилдилар. Улар тинчлик мавзуида яратилган асарлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шоира Мунаввар Исаева тинчликка бағишлаб ёзган шеърларидан намуналар ўқиди.

Китобхонлар конференциясини ташкил этишда кутубхоначи Ҳанифа Болтабекова, маданият саройи директори Бахтиёр Алимов, колхоз комсомол комитети секретари Абдуваҳоб Бойжигитов ва бошқа жамоатчилар актив иштирок этдилар. Кечада шеърлар билан бирга тинчликни мадҳ этувчи қўшиқлар ҳам янгради. Колхоз бадиий ҳаваскорларининг янги репертуарлари барчага манзур бўлди.

**Ж. ФОЗИЛОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

# «ОҚ ҚУШЛАР, ОППОҚ ҚУШЛАР»

ЎЗБЕКИСТОН ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Одил Ёқубовнинг янги романи «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» деб аталади. Асар замонавий мавзуда бўлиб, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин ҳаётимизда амалга оширилаётган улуғвор ишлар, поклик ва адолат тантанаси йўлидаги курашларга ҳамоҳангдир.

Яқинда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи проза советида мазкур романнинг муҳокамаси бўлиб ўтди. Республика Ёзувчилар союзи правлениеси президиуми раисининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор, «Шарқ Юлдузи» журналининг бош редактори, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ўткир Ҳошимов, Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Озод Шарафуддинов, филология фанлари докторлари Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Пирмат Шермуҳамедов, ёш ёзувчилардан Мурод Муҳаммад Дўст, Ғаффор Ҳотамов, Эркин Аъзамов ва бошқалар сўзга чиқиб, асарнинг ижобий жиҳатлари ва ундаги муайян жузъий камчиликлар ҳақида гапирдилар. «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» романига давр талабидан келиб чиқиб, ҳозиржавоблик билан ёзилган йирик асар, деб баҳо берилди.

Муҳокама ниҳоясида О. Ёқубов билдирилган фойдали фикр ва мулоҳазалар учун миннатдорчилик изҳор этди.

**Р. ҒАНИЕВ.**

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## ЧКП СЪЕЗДИГА ҲОЗИРЛИК

ПРАГА. Чехословакия коммунистларининг март ойида бўладиган ЧКП XVII съездига тайёргарлигининг муҳим бир босқичи тугади. Мамлакатнинг 125 районида партия ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди. Принципиаллик, ишчанлик, муваффақиятларга ҳушёр баҳо бериш ва камчиликларни танқидий анализ қилиш конференциялар ишига хос хусусият бўлди. Республика 1.600.000 коммунисти номидан вакил бўлиб келган делегатлар ЧКП XVI съезди қарорларининг бажарилиш якунларини муҳокама қилдилар, келгуси даврнинг вазифаларини белгилаб олдилар, янги район партия органларини сайладилар. Делегатлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг яқинда эълон қилинган Баёнотида олға сурилган Совет Иттифоқининг комплекс тинчликсеварлик таклифларини тўла-тўкис қувватлаб гапирдилар.

## ДЕНГИЗ ТУБИ ОРҚАЛИ

БЕРЛИН. ГДРнинг округ маркази — Ростокда Варнов дарёси остидан ғалати дюкер ўтказилди. Ана шу дюкер орқали энг янги қурилиш райони — Дирковга иссиқлик келтирилади.

Бутун бир шаҳар районини иссиқлик билан таъминлаш проблемасини ҳал этиш денгиз туби орқали салкам 700 метр узунликдаги қувурни ётқизишни зарур қилиб қўйди, дейди Росток энергетика комбинати бош директорининг ўринбосари Х. Больман. Яхши изоляция қилинган ва коррозиядан ҳимояланган қувурлар анча чуқурликка ётқизилди. Шу боисдан янги иссиқлик трассаси денгиз кемаларининг шаҳар порти акваториясига киришига асло халақит қилмайди. Бир қарашда жуда мураккаб туюладиган лойиҳа жуда тежамлидир. Дарёнинг жуда кўп иморатлар қурилган соҳили бўйлаб қувур ётқизилганда кўп ноқулайликлар вужудга келишидан ташқари анча қимматга тушган, трассанинг ўзи эса чўзилиб кетган бўлур эди.

ГДР шаҳарларидаги уй-жой кварталлари ҳамда корхоналарни энергия ва иссиқлик билан таъминлаш имконини берадиган энг тежамли ечимларни излаб топиш — бош вазифалардан бири бўлиб, уни ҳал этишга республика энергетикларининг куч-ғайратлари қаратилган. Тармоқда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллаш ҳисобига ўтган йилнинг ўзидагина мамлакат халқ хўжалиги учун бир миллион тонна қорамтир кўмир тежаб берилди.

## ҲИНДИСТОН ШИМОЛИДАГИ АҲВОЛ

ДЕҲЛИ. Хавфсизлик кучлари Ҳиндистон шимолидаги Жамму ва Кашмир штатида миллатга қарши реакцион ташкилотларнинг олти нафар аъзосини қамоққа олдилар. Жамму шаҳрида штат ҳукумати вакилининг айтишича, улар Жамму ва Кашмирдаги аҳволни беқарор қилиш мақсадида тартибсизликлар чиқарганликда ва бомбалар портлатганликда айбланмоқдалар. Ҳиндистон матбуотининг маълумотларига кўра, ички реакция кучлари ва Покистон махсус хизматларининг агентлари кейинги пайтларда Ҳиндистон шимолидаги аҳволни кескинлаштиришга, давлат муассасаларида қўпорувчиликлар қилишга, сиёсий арбоблар ва тинч гражданларга ҳужум қилишга неча бор уриниб кўрганлар.

## ТАБИИЙ ОФАТНИНГ ЗАРАРИ

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентинанинг жануби-шарқий вилоятларида шаррос ёмғир келтириб чиқарган тошқинлар натижасида мамлакат қишлоқ хўжалигига 700 миллион доллар миқдорида зарар етказилди, деб хабар беради маҳаллий маъмурлар. Донли экинлар ҳосили, шу жумладан 4 миллион тоннага яқин буғдой ҳосили тамомила нобуд бўлган. Аргентина ҳукумати аҳолига ёрдам бериш учун шошилинч чоралар кўрмоқда.

(ТАСС, 28 январь).

Редактор
Н. НАСИМОВ.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон давлат филармонияси**

И. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИДА

**1 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 да**
**2 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 ВА 19.30 да**

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

## «ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига бағишланади

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

**Ўзбекистон ССР халқ артисти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати**

Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚ АССР халқ артисти**

Гулшод ОТАБОЕВА

**Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари:**

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Нарзиддин ШЕРМАТОВ.

**Солистлар:** Фахриддин УМАРОВ, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ.

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.**

**«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.**

**Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

**Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.**

Билетлар ТЮЗ театри биносида (Калинин майдони) соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/I да **Бой ила хизматчи,** 31/I да **Курорт** (билетлар сотилган).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **совет цирки усталари иштирокида катта ранг-баранг программа** (19.30).


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари— 335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 337010, 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда —325553; совет қурилиши—325645; маданият—325767; ахборот ва спорт —337010, 325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар ҳамда ҳарбий ватанпарварлик —325556; редакция бўйича тунги навбатчи —334808, 325353.

Р. 08557 Б. 1535. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12